

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**11-сон**  
**(875)**  
**2019 йил**  
**18 марта**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

195. «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 мартдаги ЎРҚ–528-сон Қонуни
196. ««Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 13 мартдаги ЎРҚ–529-сон Қонуни
197. «Маҳкумларнинг ҳамда камокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқлари ни ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 мартдаги ЎРҚ–530-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

198. «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-

- тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги ПФ–5690-сон Фармони
199. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 мартдаги ПҚ–4236-сон қарори [Кўчирма]
200. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ–4237-сон қарори
201. «Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ–4239-сон қарори
202. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги ПҚ–4241-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

203. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/13-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994-1*)
204. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/1-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюрларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989-1*)
205. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/10-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-10*)
206. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/45-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартиришлар киритиш

тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1860-3*)

207. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/51-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025-4*)
208. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 28 февралдаги 190-мх-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-4*)
209. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 28 февралдаги 191-мх-сон «Почта алоқасида франкирлаш машинасидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008-2*)
210. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 29-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-4*)
211. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 49-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларининг 4-иловасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-4*)
212. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-4*)
213. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 28-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва

- уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1245-4*)
214. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-11-сон «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-7*)
215. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-09-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942-2*)
216. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-07-сон «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-5*)
217. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-06-сон «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция консултант фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1495-7*)
218. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-08-сон «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-5*)
219. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-17-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-2*)
220. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги

директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-16-сон «Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-5*)

221. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-13-сон «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-7*)

222. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-15-сон «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915-4*)

223. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/12-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-15*)

224. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-12-сон «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 9 мартдан 15 мартгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### **195** Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 15 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда  
маъқулланган

#### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### **2-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### **3-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги**

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлиги ҳолати бўлиб, бу ҳолат унинг бола туғилишига қодирлигини белгилайдиган репродуктив тизими, ушбу тизимнинг функциялари, ҳаётий жараёнлари билан боғлиқ бўлади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш:

фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олишни;

хомиладорликни сақлаб юришни ва боланинг асоратларсиз ҳамда нуқсонларсиз туғилишини таъминлайдиган, ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврдаги тадбирлар, муолажалар ҳамда хизматларни;

репродуктив тизим касалликларининг олдини олишни ва уларни даволашни;

жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг олдини олишни ва уларни даволашни;

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

эҳтимолдаги асоратларнинг ва репродуктив тизим функциялари бузилиши оқибатларининг олдини олишга кўмаклашган ҳолда ҳомиладорликни хавфсиз равишда сунъий тўхтатишни;

контрацепция усуллари ва улардан фойдаланиш тўғрисида ахборот олишни назарда тутати.

#### **4-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари**

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

репродуктив муаммоларни ҳал қилишда инсонпарварлик;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида эркаклар ва аёлларнинг тенглиги;

фуқаронинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, шахсий ва оилавий сирнинг сақланиши;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги тиббий хизматлардан фойдаланишни ва уларнинг сифатини таъминлаш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича хизматларнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини таъминлаш.

#### **5-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда амалга ошириш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

фуқароларда соғлом фарзандлар туғилишига нисбатан онгли ва масъулиятли муносабатни тарбиялаш;

эркаклар ва аёлларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишида уларнинг имкониятлари тенглигини таъминлайдиган шароитларни яратиш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

фуқаролар ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши учун уларга тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам кўрсатиш.

#### **6-модда. Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишдаги давлат кафолатлари**

Давлат фуқароларга:

репродуктив саломатликнинг сақланишини ва уларнинг репродуктив хуқуқлари амалга оширилишини;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга доир хизматлардан фойдаланилиши ва бу хизматларнинг изчиллиги таъминланишини;

соғлом оилани шакллантириш тўғрисидаги қарорнинг камситишларсиз, таҳдидларсиз ва зўравонликсиз қабул қилинишини;

уларнинг шахсий ҳаётига аралашмасликни, шахсий ва оилавий сирнинг сақланишини;

бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг бепуллигини;

фуқароларнинг мустақил қарор қабул қилишга бўлган репродуктив хуқуқи амалга оширилишини кафолатлайди.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга доир хизматлар репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилади.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмини белгилайди.

**8-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмини белгилаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва киритади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;



фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришга ҳамда репродуктив саломатликни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга доир чора-тадбирларни белгилайди;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради;

ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартибини, кафолатланган хизматлар, уларни қўллашга доир кўрсатмалар, монеликлар ва чекловларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўлловчи тиббиёт ташкилотларининг фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатишни амалга ошириш тартиби ва шартларини, ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш учун тиббий кўрсатмалар рўйхатини белгилайди;

жарроҳлик контрацепциясини амалга ошириш тартиби ва шартларини белгилайди.

### **9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқирилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

тегишли ҳудуддаги тиббиёт муассасаларида кўрсатилаётган, шу жумладан фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати устидан назоратни таъминлайди.

### **10-модда. Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари**

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

хавфсиз ва самарали репродуктив технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз фарзандларининг туғилиши хусусида мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

ўзининг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олиш;

туғилишни тартибга солишнинг хавфсиз усулларида ва контрацепциядан фойдаланиш;

тиббий-профилактика хизматларидан фойдаланиш ва соғлиққа хавф солувчи воситалардан, шу жумладан илмий тажрибалар қўлланилишидан ҳимояланиш;

ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам ва ахборот олиш;

ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш.

Юридик ва жисмоний шахслар фуқароларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши билан боғлиқ ахборотни сир сақлаши шарт.

### **11-модда. Аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш**

Аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштликни даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш;

репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда тиббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш.

Аёл бепуштликдан даволаниш, репродуктив саломатлигини ҳомиладор бўлгунига қадар, ҳомиладорлик даврида, туғиш ва туғишдан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик давридаги тиббий аралашув эр ва хотиннинг ёзма розилиги билан, эр бўлмаган тақдирда аёлнинг ўз розилиги ёки ота-онасининг розилиги ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда бошқа қонуний вакилларининг розилиги билан амалга оширилади.

Тиббий аралашувни рад этиш факти эҳтимолдаги оқибатлар кўрсатилган ҳолда тиббий ҳужжатларда қайд этилади ва ҳомиладор аёл томонидан, бунинг имкони бўлмаган тақдирда унинг эри ёки қариндошлари томонидан ёзма тарзда, тиббий аралашувни рад этиш ҳақида ёзма жавоб олишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса, шифокорлар консилиумининг хулосаси билан тасдиқланади.

Аёл ҳомиладорликка, уни сунъий равишда тўхтатишга ва контрацепцияга мажбур қилиниши мумкин эмас.

### **12-модда. Эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш**

Эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштликни даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

репродуктив саломатликни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш;

янги тиббий, шу жумладан ёрдамчи репродуктив технологиялардан, шунингдек кам инвазивли (кам жароҳатлайдиган) аралашувлардан фойдаланган ҳолда бепуштликни даволаш;

репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда тиббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш.

**13-модда. Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш**

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш:

тиббий-профилактика тадбирларини, шу жумладан репродуктив аъзолар патологиясини, шунингдек ирсий касалликларни аниқлашга қаратилган тиббий-профилактика тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни;

жинсий тарбия ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича тадбирлар ўтказишни;

уларни репродуктив саломатлик масалалари бўйича ўқитиш ва ахборот беришни ўз ичига олади.

Репродуктив саломатлик муаммолари бўйича тиббий аралашув вояга етмаган шахсни, шунингдек унинг қонуний вакилини хабардор этган ҳолда уларнинг ихтиёрий розилиги билан амалга оширилади. Вояга етмаган шахснинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш учун тиббий аралашув тавсия этилган тақдирда ҳамда қонуний вакилдан ва вояга етмаган шахсдан розилик олишнинг имкони бўлмаганда, тиббий аралашув шифокорлар консилиумининг ҳулосаси мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсларни репродуктив саломатликни сақлаш масалалари бўйича тарбиялаш, ўқитиш ҳамда уларга ахборот бериш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тегишинча оилада, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга оширилади.

Репродуктив саломатлик, шу жумладан жинсий тарбия масалалари бўйича ўқитиш таълимни ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари билан биргаликда вояга етмаган шахсларнинг ёши, психологик ва жисмоний ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг оилалари билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқилган, махсус тасдиқланган дастурларга кўра амалга оширилади. Ўқитишга тегишли тиббий тайёргарликка эга бўлган мутахассислар жалб этилади.

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги хизматлар давлат томонидан кафолатланган ва бепул асосда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ахборот бериш аноним ва махфий тарзда амалга оширилади.

**14-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот**

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот:

репродуктив саломатликнинг ҳолати ҳақидаги;

репродуктив саломатликни сақлаш бўйича хизматлар олиш шартлари ва усуллари тўғрисидаги;

замонавий контрацепция усуллари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги;

ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллашдаги ҳар қандай психологик ва физиологик оқибатлар, эҳтимолдаги асоратлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот ишончли ва тўлиқ бўлиши керак.

### **15-модда. Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш**

Ёрдамчи репродуктив технологиялар уруғлантиришнинг айрим ёки барча босқичлари аёлнинг организмидан ташқарида амалга ошириладиган хомиладорликка эришишга қаратилган тиббий технологиялар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборатдир.

Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

### **16-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича профилактика чора-тадбирлари**

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича профилактика чора-тадбирлари қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

фуқароларнинг репродуктив саломатлиги бузилиши хавфини, шу жумладан атроф-муҳит ва ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш;

репродуктив саломатлик соҳасидаги бузилишларни аниқлаш ва даволаш мақсадида фуқароларнинг мажбурий профилактика тиббий кўрикларини (дастлабки ва даврий) ўтказиш;

репродуктив ёшдаги фуқароларни ва хомиладор аёлларни репродуктив саломатликнинг бузилиши хавфи ҳамда унинг реабилитацияси ҳақида хабардор қилиш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича таълим дастурларини ва илмий дастурларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш;

фуқароларни соғлом турмуш тарзини юритишга ва профилактика тадбирларида иштирок этишга рағбатлантириш тизимини яратиш, биринчи навбатда, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қўмаклашувчи ҳаёт тарзини ва услубини оммалаштириш орқали яратиш;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг, репродуктив тизим аъзолари касалликларининг ривожланишига доир хавф гуруҳларини ажратган ҳолда аҳолини, шу жумладан болалар ва ўсмирларни диспансеризациядан ўтказиш ҳамда яқка тартибдаги профилактика дастурларини ишлаб чиқиш;

фуқароларга тиббий-генетик ёрдамни такомиллаштириш, хомиладаги нуқсонларга эрта ташхис қўйиш учун янги перинатал технологияларни жорий этиш.

### **17-модда. Контрацепциядан фойдаланиш**

Фуқаролар контрацепция усуллари танлаш, улардан фойдаланиш, шунингдек уларни рад этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларга соғлигининг ҳолати, ёши ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳамда эҳтимолдаги ҳар қандай номақбул оқибатлар ҳақида огоҳлантирган ҳолда контрацепция усуллари яқка тартибда танлаш бўйича тиббий ёрдам кўрсатилади.

Фуқаролар контрацепциянинг жарроҳлик усулидан ихтиёрий равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Контрацепциянинг жарроҳлик усули фақат олдиндан албатта хабардор этилган ҳолда ҳамда вояга етган муомалага лаёқатли фуқаронинг ёки эр-хотиннинг ёхуд фуқаро муомалага лаёқатсиз бўлса васийларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

### **18-модда. Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш**

Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш:

ҳомиладорликнинг ўн икки ҳафтагача бўлган муддатида аёлнинг хоҳишига кўра;

ҳомиладорнинг ҳаётига хавф солувчи тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар амалга оширилади.

Тиббиёт муассасалари тиббий кўрсатмаларга кўра ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш тўғрисида ёки ҳомиладорликни тўхтатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган аёлни унинг соғлиғи учун ҳар қандай эҳтимол тутилган салбий оқибатлар ҳақида хабардор этиши шарт.

### **19-модда. Ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллашда шифокорлик сирини ва ахборотнинг махфийлигини сақлаш**

Ёрдамчи репродуктив технологиялар қўлланилиши тўғрисидаги, шунингдек ёрдамчи репродуктив технологиялар дастурлари иштирокчиларининг шахси ҳақидаги маълумотлар шифокорлик сирини ташкил этади ва улар тўғрисидаги ахборот махфий бўлиши керак.

Шифокорлик сирини ташкил этувчи маълумотлар ўқиш чоғида, касбий, хизмат вазифаларини ва бошқа вазифаларни бажариш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар томонидан ушбу маълумотларни фуқаронинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз ошкор этишга йўл қўйилмайди, бундан ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган ҳоллар мустасно.

Шифокорлик сирини ташкил этувчи маълумотларни фуқаронинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз тақдим этишга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

ўзининг ҳолатига кўра ўз хоҳиш-иродасини билдиришга қодир бўлмаган фуқарони текширувдан ўтказиш ва даволаш мақсадида;

юқумли касалликлар тарқалиши хавфи бўлганда;

тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилиши муносабати билан суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг, шунингдек суднинг сўровларига биноан.

### **20-модда. Низоларни ҳал этиш**

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**21-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**22-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**23-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**24-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 11 март,  
ЎРҚ-528-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**196** «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»-  
ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва  
қўшимчалар киритиш ҳақида\*\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги 353–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади»;

2) **4-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«4-модда. Фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атмосфера ҳавосидан фойдаланиш;  
атмосфера ҳавосининг ҳолати ҳамда уни муҳофаза қилиш бўйича кўри-  
лаётган чора-тадбирлар тўғрисида тегишли давлат органларидан ўз вақтида  
ва ишончли ахборот олиш;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организм-  
лар чиқарилиши ҳамда унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсати-  
ши туфайли ўз соғлиғига ва мол-мулкига зиён етказилган ҳолларда зарар-  
нинг ўрни қопланиши;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш масалалари бўйича жамоатчилик  
фикрини ўрганишни ва жамоатчилик экологик экспертизасини амалга оши-  
ришда иштирок этиш.

Фуқаролар:

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 14 мартда эълон қилинган.

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, камайишига ва унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишига олиб келувчи ҳаракатларни содир этмаслиги шарт»;

3) қуйидаги мазмундаги **5<sup>1</sup> — 5<sup>4</sup>-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«5<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини таъминлайди;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши ва унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатишини тартибга солувчи техник регламентларни тасдиқлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди.

**5<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ваколатлари доирасида ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга оширади.

**5<sup>3</sup>-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни



ишлаб чиқади ва тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

тегишли ҳудудда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасида давлат экологик назоратини амалга оширади.

**5<sup>4</sup>-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишни таъминлашда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари:

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади;

атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширади;

аҳоли ўртасида фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ва экологик маданиятини юксалтиришга қаратилган тушунтириш ишларини амалга оширишда иштирок этади»;

**4) 8-модданинг:**

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«8-модда. Доимий ифлослантирувчи манбаларнинг атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатиши нормативлари»;**

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини, доимий ифлослантирувчи манбалар физикавий омилларининг атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

5) **9-модда** чиқариб ташлансин;

6) **11-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«11-модда. Доимий ифлослантирувчи манбаларнинг атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришини тартибга солиш**

Доимий ифлослантирувчи манбаларнинг атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришига давлат экологик экспертизасининг натижаларига кўра белгиланадиган ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига мувофиқ йўл қўйилади»;

7) **13-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«13-модда. Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатилишини чеклаш, тўхтатиб туриш ёки тугатиш**

Атмосфера ҳавосига доимий ва кўчма ифлослантирувчи манбалардан

ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини бузиш билан боғлиқ бўлган фаолият маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ваколатларига мувофиқ уларнинг қарори билан чекланиши, тўхтатиб турилиши, зарарли таъсир кўрсатиш сабабларини бартараф этиш мумкин бўлмаган тақдирда эса, тугатилиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклаш, тўхтатиб туриш (бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа реал хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ ҳолда ўн иш кунидан кўп бўлмаган муддатга чеклаш, тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно) ёки тугатиш суд тартибида амалга оширилади»;

8) **14-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-модда. Ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материалларига доир талаблар**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиладиган ёқилғи ва ёнилғи-мойлаш материалларининг барча турлари Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган стандартлар, техник регламентлар талабларига мос бўлиши лозим»;

9) **18-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўсимликларни химоя қилиш воситаси, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи омил, минерал ўғит ва бошқа препаратлар сифатида кимёвий моддаларни ишлатишга қишлоқ хўжалиги ўсимликларини химоя қилиш воситаларини қўллаш регламентига мувофиқ йўл қўйилади»;

10) **19-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлашда, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар озонни бузувчи моддалардан, таркибида озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган ускуналар ва техник қурилмалардан фойдаланиш ҳамда қўллашни тартибга солишга доир чора-тадбирларга риоя этиши лозим.

Таркибида озонни бузувчи моддалар мавжуд бўлган буюмлардан фойдаланувчи ва уларни таъмирловчи корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар бундай моддалар ҳисобга олинишини ва улар озон учун хавфсиз моддалар билан алмаштирилишини таъминлаши лозим.

Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларнинг импорти ҳамда экспорти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бериладиган рухсатномалар асосида амалга оширилади»;

11) **24-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фаолияти атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни, биологик организмларни, иссиқхона газларини ва озонни бузувчи моддаларни чиқариш ҳамда унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатиши билан боғлиқ бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар:

атмосфера ҳавосига чиқариладиган чиқиндиларни тозалаш ва унга зарарли физикавий таъсирни камайтириш учун иншоотлар, қурилмалар ва асбоб-ускуналардан, шунингдек уларнинг устидан назорат қилиш воситаларидан фойдаланиш ҳамда уларнинг ишлаш қоидаларига риоя этиши;

озонни бузувчи моддаларнинг ҳисобини юритиши, уларнинг атмосфера ҳавосига чиқарилишига йўл қўймаслиги, рециркуляцияни (уларни қайта ишлатиш мақсадида бирламчи тозалашни) амалга ошириши;

хўжалик объектлари теварагида санитария-муҳофаза зоналарини барпо этиши;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларини белгилаши;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришни ҳамда унга зарарли физикавий таъсирни камайтириш ва (ёки) бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсирининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириши, уларнинг ҳисобини юритиши ва статистика ҳисоботини тақдим этиши;

атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг сифат ва миқдорий таркибини аниқлаш учун намуналар олинишини таъминлаши ҳамда ўлчовларни амалга ошириши;

ёқиш учун мўлжалланмаган жойларда ва (ёки) қурилмаларда ёқилгининг, ёқилғи сифатида фойдаланиладиган моддаларнинг ёки моддалар аралашмасининг ёқилишига, шунингдек ёқилғи ҳисобланмайдиган материаллар ва чиқиндиларнинг ёқилишига йўл қўймаслиги, бундан ёқиш махсус ускуналардан фойдаланиб ҳамда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва чиқиндилар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда амалга оширилган ҳоллар мустасно;

энергияни тежовчи ва (ёки) ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш ҳамда экологик жиҳатдан тоза энергия манбаларидан фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши;

метеорологик шароитлар ноқулай келиши қутилаётганлиги муносабати билан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмлар чиқарилишини камайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишилган тадбирларни бажариши;

корхоналар ва транспорт коммуникацияларининг таъсир доирасида атроф-муҳитга ҳамда аҳоли соғлиғига зарарли таъсир кўрсатилишини баҳолашдан ўтказиши;

кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни ҳамда буғланувчи бирикмаларни сақлаш, ташиш шартларига, улардан фойдаланиш ва улардан бўшаган идишларни зарарсизлантириш қоидаларига риоя этиши;

атмосфера ҳавосига бир йўла ва авария туфайли ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг, яширин хавфли вазиятлар юзага келишининг олди-

ни олиш, шунингдек атмосфера ҳавосининг трансчегаравий ифлосланишини камайтириш юзасидан чоралар кўриши;

чиқиндиларнинг утилизация қилинишини таъминлаши ҳамда улар тўпланиб қолганида ва қайта ишланаётганида атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олиш чораларини кўриши шарт.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши тупроқ, сув ва атроф-муҳитнинг бошқа объектлари ифлосланишига олиб келмаслиги керак»;

12) **25-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқарганлик, унга физикавий омилларнинг зарарли таъсир кўрсатганлиги учун компенсация тўловларини тўлаш корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ҳавони муҳофаза қилиш тадбирларини бажаришдан ҳамда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятидан озод этмайди»;

13) **26-модда биринчи қисмининг:**

**учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

14) **28-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат экологик назорати махсус ваколатли давлат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан экологик назорат бўйича махсус ваколатли давлат органларидир.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қуйидагиларни амалга оширади:

атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбаларнинг ҳолати, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши устидан давлат экологик назоратини;

давлат ва идоравий экологик назорат соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолияти мувофиқлаштирилишини.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги санитария-муҳофаза ва турар жой зоналарида атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатилиши устидан давлат экологик назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фойдаланилиши атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатадиган автотототранспорт воситалари устидан давлат экологик назоратини амалга оширади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назорати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади»;

15) **30-модда** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 13 март,  
ЎРҚ-529-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**197** Маҳкумларнинг ҳамда қамоқда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2019 йил 6 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1,

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 15 мартда эълон қилинган.

20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **197<sup>4</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«197<sup>4</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш**

Мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслик, унинг ишига тўсқинлик қилиш, унга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, хулосаларни, тақдимномаларни, илтимосномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасдан ишончсиз маълумотларни тақдим этиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми** «197<sup>2</sup>» рақамидан кейин «197<sup>4</sup>» рақами билан тўлдирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида**»ги 392–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 27 августда қабул қилин-

ган 669–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 385-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14<sup>1</sup>-модданинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ижро этиш муассасаларининг, қамокда сақлаш жойларининг ва махсус қабулхоналарнинг (бундан буён матнда қамокда сақлаш жойлари деб юритилади) маъмурияти қамокда турган шахсларнинг муурожаатларини Вакилга йигирма тўрт соатдан кечиктирмай, мухрланган тарзда юборади, телеграммаларни эса дарҳол юборади. Вакилнинг жавоби кўздан кечирилиши мумкин эмас ва арз қилувчига зудлик билан етказиб берилади.

Вакил шикоятлар кўриб чиқиладиганда, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолларини ўз ташаббуси билан текширадиганда қамокда сақлаш жойларига монеликсиз кириш ҳуқуқига эга. Мазкур муассасаларнинг маъмурияти Вакилнинг хавфсизлигини таъминлайди.

Қамокда сақлаш жойларининг маъмурияти Вакилга қамокда турган шахслар билан монеликсиз ва холи учрашиш ҳамда суҳбатлашиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт, учрашув ва суҳбат ушбу муассасалар ходимлари уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда холи ўтказилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **20<sup>9</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«20<sup>9</sup>-модда. Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолияти**

Вакил қамокда сақлаш жойларига мунтазам кириб туриш орқали қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради.

Вакил қамокда сақлаш жойларига кирганида:

қамокда турган шахсларнинг сони ҳақида ахборот олади;

қамокда турган шахсларни сақлаш ва улар билан муомалада бўлиш шароитларини ўрганади;

қамокда турган шахслар билан, шунингдек қамокда сақлаш жойлари маъмуриятининг ходимлари билан учрашувлар ва суҳбатлар, шу жумладан холи учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилади. Бунда мазкур учрашувлар ва суҳбатлар жараёни боришининг баённомаси юритилади, зарур бўлганда техника воситаларидан фойдаланилади;

шахснинг қамокда туришининг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар билан танишади ва уларнинг кўчирма нусхаларини олади;

қамокда сақлаш жойларининг маъмуриятидан қамокда турган шахсни тиббий текширувдан ўтказишни, унга тиббий, психологик ва бошқа ёрдам

кўрсатилишини талаб қилади, мазкур тадбирлар ўтказилаётганда ушбу шахснинг розилиги билан ҳозир бўлади;

қамокда сақлаш жойларининг маъмурияти раҳбарларидан қамокда турган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари юзасидан тушунтиришлар олади;

қамокда сақлаш жойлари маъмуриятининг ғайриқонуний ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) чек қўйиш учун зудлик билан чоралар кўради;

қамокда турган шахсларни сақлаш шароитлари тўғрисида хулоса тузади ва уни тегишли ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юборади;

тегишли давлат органларига уларнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ва таклифлар киритади.

Вакил шахслар турган, ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа жойларда ҳам қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича мазкур модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган чораларни кўради.

Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашиш учун Вакил томонидан эксперт гуруҳи тузилади. Эксперт гуруҳи тўғрисидаги низом Вакил томонидан тасдиқланади.

Эксперт гуруҳининг таркиби нодавлат нотижорат ташкилотларининг, қоида тариқасида, юриспруденция, тиббиёт, психология, педагогика соҳасида, шунингдек бошқа соҳаларда касбий ҳамда амалий билимларга эга бўлган вакиллари орасидан шакллантирилади.

Вакил эксперт гуруҳи аъзоларининг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишга доир вазифаларини белгилайди, шунингдек уларга қамокда сақлаш жойларига ва шахслар турган, ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган бошқа жойларга монеликсиз кириш ҳуқуқини берувчи махсус йўлланмалар беради. Махсус йўлланма Вакил Котибиятининг ходимларига ҳам берилади»;

### 3) 21-модда:

**биринчи қисмидаги** «тузилиши мумкин» деган сўзлар «тузилади» деган сўз билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Котибият тузилмасида Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашувчи сектор тузилади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.



**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

**1) 9-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўнинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши»;

**саккизинчи хатбошиси ўн биринчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**2) 84-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар сақлаш шароитига қараб умумий турар жойларда, хоналарда ёки камераларда яшайди, ушбу турар жойлар, хоналар ёки камералар белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларига мос келиши керак»;

**3) 87-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи — тўққизинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилиш чоғида, жазони ўташ пайтида вақти-вақти билан, бироқ олти ойда камида бир марта, шунингдек мурожаатларга кўра тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий текширувдан ўтказиш махфийлик шартлари асосида амалга оширилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига қабул қилинган пайтдан эътиборан ўн беш кун ичида у билан суҳбат ўтказилади, маҳкум жазони ижро этиш муассасасининг карантин хоналарида тиббий кўрикдан ва санитария-гигиена тадбирларидан ўтади.

Жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар жазони ижро этиш муассасасига қабул қили-

наётганда ҳам, шошилич тиббий ёрдамга муҳтож бўлганда ҳам тиббиёт ходимлари ушбу шахсларнинг ёнига зудлик билан киришини таъминлаши керак.

Шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилади.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтож бўлган шахслар даволаш муассасаси ҳуқуқига эга бўлган колонияларга ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган касалхоналарга юборилади, шунингдек улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳудудий муассасаларига жойлаштирилиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти маҳкумнинг розилиги билан унинг яқин қариндошларига ёки озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахснинг ўзи кўрсатган бошқа шахсларга бу ҳақда дархол хабар беради.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, телефон орқали қўшимча сўзлашишга, шунингдек шифокорнинг руҳсати билан қўшимча учрашувга руҳсат берилади»;

**учинчи — бешинчи қисмлари** тегишинча **ўнинчи — ўн иккинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

4) **97-модда** қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Тарбиявий ишлар босқичма-босқич равишда қуйидагича амалга оширилади:

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс жазони ижро этиш муассасасига келган вақтда унинг психологик қиёфасини, тузалиш йўлига ўтишга мойиллигини аниқлаган ҳолда уни дастлабки тарзда ўрганиш;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг онгини ўзгартириш бўйича тадбирлар ўтказиш, уларда содир этган жиноятдан пушаймон бўлиш ҳиссини уйғотиш;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг талаб мавжуд бўлган касблар ва мутахассисликларга оид касбий таълимини ташкил этиш, ўқишни тугаллаганидан сўнг тегишли ҳужжат бериш ҳамда уларни кейинчалик ишга жойлаштириш»;

5) **105-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар қуйидаги ҳолларда интизомий жавобгарликка тортилмайди:

меҳнат нормаларини бажармаганлиги учун, агар бу ишни рад қилиш ёки ишдан бўйин товлаш оқибати бўлмаса;

озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс руҳий ҳолати бузилишининг бевосита оқибати ҳисобланган бирор-бир қоидабузарлиги учун»;

6) **106-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳуқуқбузарлик содир этилган ҳолат, маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахсий хислатлари, унинг хулқ-атворига ва қоидабузарлик ёки қилмиш содир

этишга таъсир қилиши мумкин бўлган, интизомий чоралар қўллаш учун сабаб бўлган рухий ҳолати бузилишининг мавжудлиги, шунингдек олиб ташланмаган ва бекор бўлмаган интизомий жазолари бор-йўқлиги интизомий жазони қўллаш чоғида инобатга олинади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**5-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 14 март,  
ЎРҚ-530-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **198** Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятида қонунийликни таъминлаш, республикада инвестиция иқлимини ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, шунингдек, прокуратура органларига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни чиқариб ташлаш йўли билан уларнинг фаолиятини оптималлаштириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 апрелдан:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш ва назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил) томонидан амалга оширилади;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларга оид қарорлари назорат қилувчи органлар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни мувофиқлаштириш соҳасидаги фаолиятини таъминлашда иштирок этади.

2. Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тасарруфидан Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тасарруфига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда бир ой муддатда Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг ишлаш имкониятини таъминловчи ахборот тизимлари ва дастурий махсулотларнинг беғараз ўтказилишини;

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимининг узлуксиз ишлашини таъминласин.

3. Белгилансинки, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўз ваколатларини амалга ошириш доирасида:

назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилади;

назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш тўғрисидаги буюртмаларини кўриб чиқади ва уларнинг асослилигини ўрганади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказишга розилик бериш ёки рад этиш, шунингдек, уларнинг муддатларини узайтириш ёки кўчириш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун назорат қилувчи органларнинг айбдор мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш бўйича чоралар кўради;

тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида ягона ҳисоб ва ҳисобот юритилишини, шунингдек, ушбу соҳада назорат қилувчи органларнинг ягона ҳуқуқни қўллаш амалиёти юритилишини таъминлайди;

назорат қилувчи органлар ва тадбиркорлик субъектларига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш соҳасидаги қонунчилик нормалари қўлланилиши юзасидан маслаҳат ёрдамини кўрсатади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширувлар ўтказиш соҳасидаги норматив базани ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иштирок этади.

4. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари лавозимларининг иккита штат бирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари;

солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилишга масъул Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосарлари, туман-

лар (шаҳарлар) прокурорларининг ўринбосарлари ва ёрдамчилари лавозимлари;

туманлар (шаҳарлар) прокурорларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга масъул ўринбосарлари ҳамда катта ёрдамчилари лавозимлари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва ташқи иқтисодий фаолиятдаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси этиб қайта ташкил этилсин ва уни молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфига ўтказилсин.

5. Белгилансинки, мазкур Фармонга мувофиқ прокуратура органларининг қисқартирилаётган 1 198 та штат бирликларидан:

87 таси — Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонини;

470 таси — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бўлинмаларини тўлдириш учун йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

зиммаларига юклатилган хизмат мажбуриятларини юқори профессионал даражада бажаришга қодир юқори малакали, чуқур касбий билимга эга, юқори интеллектуал қобилият ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга ходимларни танлаб олишда рақобат муҳитини таъминловчи кадрларни шаффоф танлов асосида танлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этишни назарда тутувчи Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида янгиланган низомни тасдиқлаш учун киритсин;

ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси ва прокуратура органлари ходими деган юксак номга нолойиқ шахсларни аниқлаш, уларни зудлик билан прокуратура органлари тизимидан бўшатиш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратган ҳолда прокуратура органларининг ички хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқсин;

прокуратура органларига юклатилган вазифаларни самарали бажариш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва дастурий маҳсулотларни улар фаолиятига ҳар томонлама ва тўлиқ жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

7. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг янгиланган тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони штатлар жадвали 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга, заруратга кўра, ўз девонининг ташкилий-штат тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг фаолиятини самарали ташкил этиш учун зарур молиявий, моддий-техник ва транспорт масалалари ҳал этилишини таъминласин;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган ҳолда Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан бирга мазкур Фармон қоидаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти қонунийлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси томонидан Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қабул қилингунга қадар мазкур Фармон қоидаларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тасдиқланган Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик низом амал қилади.

9. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг ҳудудларда фаолият кўрсатувчи ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналари биноларига беғараз фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси солиқ ва божхона ислохотларини амалга ошириш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилишга масъул Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг ўринбосарларига бириктирилган транспорт воситаларининг, шунингдек, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг ҳудудларда фаолият кўрсатувчи ходимлари самарали фао-

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лият юритишини таъминлаш учун зарур бўлган компьютер техникаларини белгиланган тартибда Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ўтказилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Молия-ҳўжалик департаменти Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девонининг қўшимча жорий этилаётган штат бирликларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 4-иловага\* мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 15 март,  
ПФ-5690-сон

---

\* 3-4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**199 Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини  
ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-  
тадбирлари тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Ижро тартиб-таомилларини янада соддалаштириш, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини сўзсиз ва ўз вақтида ижро этишни таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда ижро иши юритувида сансалорликка чек қўйиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларини амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2019 йил 1 апрелдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига медиация институтини жорий этиш тўғрисидаги қўйидагиларни назарда тутувчи таклифи қабул қилинсин:

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш ундирувчининг аризаси бўйича ўн беш кундан кўп бўлмаган муддатга ижро иши юритишни тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланади;

томонлар ўртасида ижро предметида доир келишувга келмаслик, шунингдек, томонлардан бирининг медиацияни давом эттиришдан воз кечиши ёки уни амалга ошириш муддатининг тугаши ижро иши юритишни қайтадан тиклаш учун асос ҳисобланади. Бунда, медиация тартиб-таомилини такроран амалга оширишга йўл қўйилмайди;

томонлар ўртасида ижро ишининг ҳар қандай босқичида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш натижалари бўйича ижро предметида доир келишув расмийлаштирилган ҳолларда, давлат ижрочиси ижро иши юритишни тугатади;

медиация тартиб-таомилини амалга ошириш жараёнига давлат ижрочиси ва давлатнинг бошқа органлари вакилларининг аралашуви тақиқланади.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 июндан бошлаб:

ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги масала ижро ҳужжати келиб тушган вақтдан бошлаб бир иш кuni ичида ҳал этилади;

ижро ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, мазкур ҳаракатлар қарздорнинг аризасига ёки давлат ижрочисининг ўз ташаббусига кўра кўпи билан икки марта кечиктирилади;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 мартда эълон қилинган.

ижро ҳаракатларини бажаришда юзага келган масалаларни тушунтириш учун давлат ижрочиси томонидан тайинланган мутахассис ижрочининг қарори билан танишган кундан бошлаб ўн беш иш куни ичида ёзма хулоса тақдим этишга мажбур.

3. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — Мажбурий ижро бюроси) Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасини (кейинги ўринларда — Ягона электрон база) юритади, унга тегишли маълумотлар базаси тизимлари билан интеграция қилиш йўли билан қуйидагилар киритиб борилади:

ижро органлари юритувига келиб тушган барча ижро ҳужжатлари;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар) томонидан солинган ва ундирилган маъмурий жарималар ҳақидаги маълумотлар;

б) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколати бўлган органлар (мансабдор шахслар)нинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддат давомида ихтиёрий тартибда бажарилмаган маъмурий жарималарни қўллаш тўғрисидаги қарорлари мажбурий ижро этиш учун электрон ҳужжат кўринишида автоматик равишда Мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимига юборилади;

в) ижро ҳужжатларида ундирувчи ёки қарздорнинг электрон почтаси ёки телефон (мобиль) рақами (агар улар судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган (мансабдор шахс)га тақдим этилган бўлса) ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги хабарнома унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиниб олинганлиги фактларини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёки мобиль алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) кўринишида йўлланади;

г) Тошкент шаҳрининг Яккасарой тумани ва Навоий шаҳри Мажбурий ижро бюроси бўлимларида тажриба сифатида ижро ҳужжатларини автоматлаштирилган тизим орқали давлат ижрочилари ўртасида автоматлаштирилган тақсимлаш тартиби жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2020 йил 1 мартга қадар тажриба натижаларига кўра мазкур амалиётни Мажбурий ижро бюросининг бошқа бўлинмаларида жорий этиш бўйича асослантирилган таклифлар киритсин.

4. Мажбурий ижро бюроси 2019 йил 1 октябрдан ўз расмий веб-сайтида бепул асосда қуйидагиларни назарда тутувчи ижро ҳаракатлари амалга оширилишининг автоматлаштирилган мониторинги бўйича давлат интерактив хизмати кўрсатиш тизимини жорий этсин:

ҳар бир ижро ҳужжатига маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган ягона идентификация рақами (коди)ни бериш;

автоматлаштирилган мониторинг тизимига ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг бориши ва ижро иши юритишнинг барча босқичлари, шунинг-

дек, Мажбурий ижро бюроси томонидан кўрилаётган чоралар ҳамда бажарилаётган ижро ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотларни доимий киритиб бориш;

Интернет тармоғи орқали ягона идентификация рақами (коди)дан фойдаланган ҳолда ундирувчи ва қарздор томонидан ижро ҳаракатларини амалга оширишнинг боришини барча босқичларда кузатиш, шунингдек, мавжуд қарзни онлайн тарзда тўлаш ва бир вақтнинг ўзида ижро ҳужжати талабларининг бажарилганлигини қайд этиш имкониятини яратиш.

Белгилансинки, ижро ҳаракатлари амалга оширилишининг автоматлаштирилган мониторинги бўйича давлат интерактив хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали ҳам кўрсатилади.

5. Мажбурий ижро бюроси:

а) бир ой муддатда шартнома-воситачилик асосларида сотишга топшириладиган мол-мулкни интернет-дўконлар орқали сотиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларни киритсин:

ижро иши юритиш давомида хатланган мол-мулкни сотишга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги «Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3724-сон қарорига мувофиқ Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилган, товарлар ҳаракатини мониторинг қилишнинг электрон тизимини жорий этган ва товарларни харидорга етказиб бериш учун зарур логистика имкониятларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш;

мол-мулкни мобиль иловалар ва электрон тўлов тизимлари орқали харид қилиш имкониятини яратиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

ундириш қаратилган мол-мулк «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасига қўйилган пайтдан бошлаб сотилишигача бўлган ҳаракатини мониторинг қилиш имконини берувчи мол-мулк ҳисобини юритишнинг ягона электрон ахборот тизимини;

«E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида харид қилинган мол-мулк учун электрон, шу жумладан халқаро тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда онлайн тўлов қилиш имкониятини жорий этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда ижро иши юритишда ундириладиган давлат божлари, маъмурий жарималар ва бошқа тўловларни электрон тўлов тизимларидан фойдаланган ҳолда тўлаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш учун ЯИДХПда алоҳида платформани яратиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда Мажбурий ижро бюроси ходимларини оператив-қидирув йўналишида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси-

ни ошириш бўйича бепул асосда махсус курслар ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

а) уч ой муддатда суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш соҳасидаги, шунингдек, уларнинг тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш борасидаги процессуал нормаларни тизимлаштиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг Ижро ишини юритиш тўғрисидаги кодекси лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) уч ой муддатда:

Мажбурий ижро бюросига жисмоний ва юридик шахслардан «ишонч телефони» орқали, шунингдек, электрон тарзда келиб тушадиган мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилиши устидан тизимли назорат олиб боришга қаратилган дастурий таъминотни;

давлат ижрочиларининг суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини мажбурий ижро этишни таъминлаш бўйича самарадорлик ва натижадорликнинг асосий кўрсаткичларини (КРІ), шунингдек, улар фаолиятини баҳолаш, хизмат бўйича кўтариш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлик чораларини қўллашда ушбу кўрсаткичларни қўллаш тартибини;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясида тизимли равишда давлат ижрочиларининг малакасини ошириш дастурларини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

в) манфаатдор идоралар билан биргаликда уч ой муддатда суд томонидан маъмурий жаримага тортиш ҳолатларидан ташқари, жаримага тортиш тўғрисидаги қарор топширилган санадан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 70 фоизи ҳуқуқбузар томонидан ихтиёрий равишда тўланган тақдирда у қолган суммани тўлашдан озод этилишини назарда тутувчи маъмурий жаримага тортиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш ҳақидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Бунда, қуйидаги ҳолатларда жаримага тортиш тўғрисидаги қарорларни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилмаслиги назарда тутилсин:

маъмурий жаримага тортиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест келтирилганда;

маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида худди шундай ҳуқуқбузарлик такроран содир этилганида;

г) ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ижро ишини юритиш ҳолати тўғрисида маълумот ҳамда соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиб борсин.

10. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш Мажбурий ижро бюроси ва суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармалари маблағлари, шунингдек, халқаро молиявий институтлар ва донор ташкилотларнинг грантлари, техник кўмак маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 12 март,  
ПҚ-4236-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **200** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида\*

1. 2017 йил 11 октябрь куни Сочи шаҳрида имзоланган Жиноят ишлари бўйича ашёвий далил ҳисобланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, ўқотар қурол, унинг асосий қисмлари, ўқ-дорилар, портловчи моддалар ёки портлатиш қурилмаларини бериш тартиби тўғрисидаги Баённома тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг масъул ваколатли органи этиб;

жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари иш юритувида бўлган ёхуд судга юборилгунга қадар иш юритувида мавжуд бўлган терговга қадар текширувни, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар — юқорида кўрсатилган халқаро шартномага мувофиқ ашёвий

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 мартда эълон қилинган.

далилларни бевосита бериш ва қабул қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг масъул ваколатли органлари этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартноманинг кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида ва уни амалга ошириш учун масъул ваколатли органлар ҳақида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 14 март,  
ПҚ-4237-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**201 Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги  
кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари  
тўғрисида\***

Мамлакатимизда мева-сабзавотчилик соҳасини такомиллаштириш, шу жумладан мева-сабзавот маҳсулотлари экиладиган майдонларни, сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини сезиларли ошириш, мазкур тармоқни ривожлантириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағларини фаол жалб этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш соҳасидаги илғор тажриба таҳлили ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг кооперациясини ривожлантиришни самарали рағбатлантириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Мева-сабзавотчилик соҳасида қўшилган қиймат занжирини яратишни

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 мартда эълон қилинган.

рағбатлантириш, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва унинг экспорти барқарорлигини таъминлаш, мазкур маҳсулот ишлаб чиқарувчиларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ракобатбардошлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг:

ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмаларида (кейинги ўринларда — қишлоқ хўжалиги бирлашмалари) ихтиёрий ва пай асосида иштирок этиш тамойилларида мустақил ва ўзаро боғлиқ қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг кооперацион бирлашиши институтини яратиш ва кенг қўллаш;

2019-2020 йилларда тажриба-синов тариқасида мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш ва сотиш бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун Жиззах вилоятининг Галлаорол ва Зомин туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунғур ва Ургут туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Қува туманларида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманларида қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда тажриба-синов якунларига кўра, 2020 йил 1 декабрга қадар қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг кооперацион бирлашуви институтини республиканинг бошқа ҳудудларида оммалаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисида таклифлар киритсин.

2. Қуйидагилар қишлоқ хўжалиги бирлашмаларининг асосий функциялари этиб белгилансин:

мева-сабзавот маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларини маркетинг таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари билан контрактация шартномаларини тузиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан турлари ва навлари бўйича ишлаб чиқариш юзасидан келишилган чоратадбирларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, шу жумладан маҳсулот сақлаш оморларини биргаликда ижарага олиш ва қайтариб бериш асосида хом ашёни қайта ишлаш йўли билан биргалашиб фойдаланишни ташкил этиш;

шартнома асосида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёқилғи-мойлаш материаллари, ўғит, уруғлар, кўчат ва экинлар, шунингдек, кимёвий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

контрактация ёки воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни ташкиллаштириш;

жаҳон стандартларига мос мева-сабзавот маҳсулотларининг кафолатлан-

ган бозорини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалиги бирлашмалари билан ҳамкорлик қилиш учун экспортёрларни жалб этиш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш.

3. Белгилансинки:

фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгалари, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда уларни тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва сотиш бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боровчи бошқа жисмоний ва юридик шахслар қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари бўлиши мумкин;

қишлоқ хўжалиги бирлашмаларига аъзо бўлиш ихтиёрий ҳисобланади ҳамда таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда кириш аъзолик бадаллари (пайларни) киритиш йўли билан пай асосида амалга оширилади;

қишлоқ хўжалиги бирлашмаларига қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан бевосита бериладиган ваколатлар таъсис ҳужжатларида белгиланади. Бунда, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари бошқа масалалар бўйича ўз хўжалик фаолиятини юритишда иқтисодий мустақиллиги ва ҳуқуқий мақомини сақлаб қолади, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар эса шартнома асосида қурилади;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари қишлоқ хўжалиги бирлашмалари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди ҳамда агар таъсис ҳужжатларида бошқача ҳолатлар белгиланмаган бўлса, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари фаолияти билан боғлиқ бўлган зарар кўриш хатарини ўзлари киритган бадаллар (пайлар) қиймати доирасида зиммасига олади;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ер майдонлари Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолатларда оптималлаштирилиши ва олиб қўйилиши мумкин эмас. Бунда қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ер майдонларини олиб қўйиш фақатгина суд қарори асосида амалга оширилади.

4. 2019 йил 1 мартдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва уларни кейинчалик алмаштириш тўғрисидаги қарорни мустақил равишда қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади, 2020 йил 1 январдан бошлаб эса ташкил этиладиган мева-сабзавот экинларини жойлаштириш реестрига ҳосил йилининг 1 февралидан кечиктирмасдан тегишли маълумотларни киритиш шarti билан ушбу ҳуқуқдан фойдаланади.

5. Қўйидагиларга давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби белгилансин ва унга мувофиқ:

а) қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва улар аъзоларининг 2019-2020 йилларда кўчатлар ва сертификатланган уруғларни ҳамда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан тижорат



банки томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 25 фоизи миқдорда, аммо 5 фоизли пунктдан юқори бўлмаган, валютада бериладиган кредитлар бўйича 1,5 фоизли пунктдан юқори бўлмаган миқдорда қопланади;

б) қишлоқ хўжалиги бирлашмаларидан мева-сабзавот маҳсулотларини сотиб олувчи экспортёрларнинг тасдиқланган бизнес режаларда назарда тутилган қуйидагилар:

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш;

қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизи субсидиялар тақдим этиш орқали Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан, шунингдек, жалб этиладиган халқаро молиявий институтлар маблағлари, шу жумладан Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ташкил этилаётган ҳудудларда мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган инфратузилма объектларини устувор ривожлантирган ҳолда, уларни ривожлантириш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан маблағлар йўналтиришга рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортёрларининг қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларини мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларига ўргатиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг ерларида агротехник тадбирлар мониторингини ўтказиш, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган мева-сабзавот маҳсулотларининг ташқи бозорларида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларининг 50 фоизини қоплаш учун субсидиялар тақдим этиш тартибини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар мева-сабзавотчилик соҳасида кооперация ҳиссаси юқори бўлган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолият олиб бориши борасидаги тажрибасини чуқур ўрганиш мақсадида янгидан ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари аъзоларининг танишув сафарини уюштирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 5 ва 8-бандларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий институтларнинг маблағ ва грантлари, шу жумладан Жаҳон банки маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2019 йилдан бошлаб суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерлари тупроғини, хар йили умумий майдоннинг камида 20 фоизи ҳисобидан келиб чиқиб, таҳлил қилиш ва агрокимё картограммаларини иловага\* мувофиқ ишлаб чиқишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва суғурта ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурта қилишнинг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Фанлар академияси билан биргаликда уч ой муддатда ер-тупроқ, сув, истеъмол товарлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва минерал ўғитларнинг замонавий лаборатория тадқиқотларини халқаро стандартлар талабларига мувофиқ кенг қамровда ўтказишни таъминловчи комплекс лаборатория яратиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда серҳосил уруғлар ва қўчатларнинг янги турлари ва навларини, шу жумладан «in-vitro» усули асосида яратувчи-муаллифларни қўшимча моддий рағбатлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

мева-сабзавотчиликни тубдан такомиллаштириш ва мазкур соҳадаги қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ривожлантириш бўйича тадбирларни самарали ва ўз вақтида бажаришни таъминлаш бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминласин;

2020 йил 1 декабрга қадар тажриба-синов натижалари ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси, шунингдек, бозор иқтисодиётининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига «Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров, Э.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси А.Д. Ваҳобов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 14 март,  
ПҚ-4239-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**202** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 мартдаги «Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5690-сон Фармониға мувофиқ, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) марказий аппаратининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг тузилмалари 2 ва 3-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

Инспекция бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони 1 739 нафар этиб белгилансин.

2. Қўйидагилар:

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 мартда эълон қилинган.

\*\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК ташкил этилсин.

3. Инспекция бошлиғига, зарур ҳолларда, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штат бирликлари доирасида ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолати;

пахта ва дон экинлари уруғларини давлат томонидан буюртма қилиш, тайёрлаш, алоҳида қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши;

давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши;

дон экинлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурсларининг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилиги камайтирилиши таъминланиши;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши;

қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши;

сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши;

идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник ҳолати, уларнинг эксплуатация қилиниши самарадорлиги, шунингдек, сервис ва таъмирлаш хизматларининг сифати устидан назоратни амалга ошириш;

б) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш;

в) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

#### 5. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекцияни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинладиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган бошлиқ бошқаради;

Инспекция бевосита Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдордир;

Инспекция бошлиғи меҳнатига ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича вазирга, Инспекция бошлиғи ўринбосарлари — вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

#### 6. Белгилансинки:

Инспекция қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Инспекция таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

Инспекция зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талабига кўра бепул тақдим этилади;

давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар Инспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат мажмуида хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматларнинг солиқ солинадиган базага киритилмайдиган амалдаги тартиби сақланиб қолинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси икки ҳафта муддатда қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси балансида турган ва у томонидан фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа моддий-техника қимматликларини Инспекция балансига ўтказилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ваҳобов) икки ой муддатда Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларини юклатилган вазифа-

ларнинг юқори ҳамда профессионал даражада бажарилишини таъминлай оладиган малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инспекциянинг асослан-тирилган ҳисоб-китоблари бўйича 2019 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларига мазкур қарордан келиб чи-қадиغان тегишли ўзгартиришларни киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Агросаноат маж-муида хизматлар кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси тўғрисидаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғарма-си тўғрисидаги низомни;

қайта ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура-си ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлани-ши устидан назорат қилиш инспекцияси учун молиялаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини на-зарда тутган ҳолда Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимлари-нинг меҳнатига Ягона тариф сеткаси бўйича ҳақ тўлаш разрядларини тас-дикласин.

11. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Обиназир кўча-си, 109-уйда жойлаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги «Ўзбе-кистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспек-цияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3699-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа ва-зирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатлари-га ушбу қарордан келиб чиқадиغان ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-касининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президен-ти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 15 март,  
ПҚ-4241-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****203** **Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 17 мартдаги 9/6-сон қарори (рўйхат рақами 2994, 2018 йил 5 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 14-сон, 294-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 февраль,  
4/13-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
23 февралдаги 4/13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий  
ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банддан «, ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 2 — 5-иловалардан «муҳр» деган сўз чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**204 Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбар-  
лари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, мик-  
рокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро  
органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига ўзгар-  
тиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 24 февралдаги 7/11-сон қарори (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.03.2018 й., 10/18/2989/0968-сон) билан тасдиқланган Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 мартда эълон қилинган.



2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 февраль,  
4/1-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
23 февралдаги 4/1-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари,  
бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит  
ташкilotлари ҳамда кредит бюроларининг ижро  
органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг ўн бешинчи хатбошисидаги «легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**205** Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-10*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 январдаги 3/5-сон қарори (рўйхат рақами 2093, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 116-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандидан «ва муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 февраль,  
4/10-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**206** «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1860-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 15 августдаги 01/19-18/12-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1860, 2008 йил 24 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 39-сон, 401-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Н. ЖўРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 февраль,  
01/10-10/45-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат активларини бошқариш агентлиги  
директорининг 2019 йил 27 февралдаги  
01/10-10/45-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва  
уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги  
қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-иловадан «М.Ў.» деган қисқартма чиқариб ташлансин.
2. 2-илованинг 6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:  
«6. Маълумотлар баҳоловчи ташкилот раҳбари томонидан имзоланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**207 Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий  
стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақса-  
дида мулк қийматини баҳолаш»га ўзгартиришлар киритиш  
тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиш-ни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 6 октябрдаги 01/19-18/20-сон қарори (рўйхат рақами 2025, 2009 йил 28 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

тўплами, 2009 й., 44-сон, 474-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Н. ЖЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 27 февраль,  
01/10-10/51-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат активларини бошқариш агентлиги  
директорининг 2019 йил 27 февралдаги  
01/10-10/51-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий  
стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк  
қийматини баҳолаш»га киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 21-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«буюртмачи ёки унинг вакилидан олинган дастлабки маълумотлардан, шунингдек, баҳоловчи томонидан бухгалтерия, бирламчи ва статистик ҳисоб маълумотларидан олинган, баҳолаш объекти раҳбари (баланс сақловчи, эмитент) имзоси билан тасдиқланган маълумотлардан;».

2. 24-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Буюртмачи ёки унинг вакили тақдим этган ахборот (шу жумладан, маълумотномалар, жадваллар, бухгалтерия баланслари), шунингдек, баҳоловчининг ўзи бевосита йиққан ахборот шу ахборотни тақдим этган ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ҳолдагина ишончли деб ҳисобланади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**208** Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюр-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 январдаги 6-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2428, 2013 йил 18 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 8-сон, 107-модда) билан тасдиқланган Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 февраль,  
190-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирининг 2019 йил  
28 февралдаги 190-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги  
юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги  
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 28-банддан «муҳр (штамп) изи ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 2-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Почта, курьерлик жўнатмалари почта  
хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга  
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
киритилаётган ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Почта, курьерлик жўнатмалари почта  
хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга  
ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага  
2-ИЛОВА

**Хавфли почта, курьерлик жўнатмасини ажратиш  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

\_\_\_\_\_ -сон ДАЛОЛАТНОМА

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ дақ. \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ -сон  
гувоҳномага эга \_\_\_\_\_ кузатувида \_\_\_\_\_ дан  
(почтани жўнатиш жойи бўлинмасининг номи)

почта билан \_\_\_\_\_ дан 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ соат  
(бўлинма номи)

\_\_\_\_\_ дақ. \_\_\_\_\_ да келиб тушган \_\_\_\_\_ буюмлар миқдоридаги  
оғирлиги \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кг \_\_\_\_\_ г. бўлган \_\_\_\_\_ -сон \_\_\_\_\_  
(эълон қилинган қиймати)

\_\_\_\_\_ олинганлиги тўғрисида \_\_\_\_\_ да тузилди.  
(жўнатма турлари) (почтани олган бўлинма номи)

\_\_\_\_\_ да  
(қабул қилиш жойи бўлинмасининг номи)

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ \_\_\_\_\_ номига  
(бериш санаси) (олувчи Ф.И.О. ёки номи)

\_\_\_\_\_ манзили бўйича берилди.  
(белгиланган жойнинг батафсил манзили)

Жўнатувчи ва унинг манзили \_\_\_\_\_  
Ташқи кўрикда аниқланди (қобиғи, боғлами, ташқи чоклар ва мухрнинг кўриниши ва ҳолати кўрсатилсин): \_\_\_\_\_  
Қобиғи \_\_\_\_\_  
Боғлами \_\_\_\_\_  
Чоклар \_\_\_\_\_  
Мухрлар \_\_\_\_\_

Почта хавфсизлиги юзасидан назоратни ўтказиш натижасида почта, курьерлик жўнатмасида хавфли ва/ёки жўнатилиши тақиқланган буюмлар ва предметлар мавжудлигининг қуйидаги белгилари аниқланди \_\_\_\_\_

Бунинг оқибатида ушбу \_\_\_\_\_ почта хавфсизлиги  
(почта жўнатмаси тури кўрсатилсин)

юзасидан кейинги текшириш учун тегишли органларга топшириш учун \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ томонидан йўл қўйилмади.

(Ф.И.О. ва лавозими)

Далолатнома \_\_\_\_\_ нусхада тузилди:

- биринчи нусха ҳужжатларга қўшиб қўйилди \_\_\_\_\_  
(бўлинма номи)

- иккинчи нусха маълумот учун топширилди \_\_\_\_\_  
(почта алоқаси оператори ёки провайдерининг номи)

Далолатномани туздилар:

\_\_\_\_\_ (лавозими, имзоси, Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (лавозими, имзоси, Ф.И.О.)»



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

## 209 Почта алоқасида франкирлаш машинасида фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2009 йил 25 августдаги 266-сон буйруғи (рўйхат рақами 2008, 2009 йил 19 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 39-сон, 426-модда) билан тасдиқланган Почта алоқасида франкирлаш машинасида фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Ш. САДИКОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 28 февраль,  
191-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ахборот технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирининг 2019 йил  
28 февралдаги 191-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

### **Почта алоқасида франкирлаш машинасидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 21-бандда:
  - а) биринчи хатбошидан «, мухр излари билан тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;
  - б) учинчи хатбошидан «мухрлар қўйиладиган,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 1 ва 2-илвалардан «М.Ў.» аббревиатуралар чиқариб ташлансин.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## **210 Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи (рўйхат рақами 1297, 2004 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 1-2-сон, 24-модда) билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 март,  
29-сон

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги  
29-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши  
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 28-банднинг учинчи хатбошисидаги «муҳрлаши, ўз имзоси ва муҳри билан тасдиқлаши (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар «имзо билан тасдиқлаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 38-банднинг биринчи хатбошисидан «ва муҳр билан тасдиқланади (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 43-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Олиш-назорат қилиш варағининг юқоридаги чап бурчагида варақ берилган сана, корхона раҳбари ёки у томонидан қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланадиган шахслар имзоси қўйилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**211** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро  
этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларининг 4-илова-  
сига қўшимча киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-4*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ЎРҚ–503-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларининг 4-иловаси 6-банди «Гиёҳвандлик воситалари,» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Олий суди билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 март,  
49-сон

**П. БОБОЖОНОВ**

*Келишилган:*

**Бош прокурор**

*2019 йил 3 март*

**О. МУРОДОВ**

**Соғлиқни сақлаш вазири**

*2019 йил 3 март*

**А. ШАДМАНОВ**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 мартда эълон қилинган.

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

*2019 йил 3 март*

*Олий суд раиси*

*К. КАМИЛОВ*

*2019 йил 3 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**212** Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига  
қўшимчалар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-4*

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 октябрдаги ўРҚ-503-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сон буйруғи (рўйхат рақами 2456, 2013 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 март,  
50-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 мартдаги  
50-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов  
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига  
киритилаётган қўшимчалар**

1. 89-банд «ғиёҳвандлик воситалари» деган сўзлардан кейин «, уларнинг аналоглари» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 1-илованинг 5-банди «ғиёҳвандлик воситалари,» деган сўзлардан кейин «уларнинг аналоглари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

*Келишилган:*

*Бош прокурор*

*О. МУРОДОВ*

*2019 йил 3 март*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*А. ШАДМАНОВ*

*2019 йил 3 март*

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

*2019 йил 3 март*

*Олий суд раиси*

*К. КАМИЛОВ*

*2019 йил 3 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**213** Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1245-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2003 йил 7 майдаги 62-сон буйруғи (рўйхат рақами 1245, 2003 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 9-10-сон) билан тасдиқланган Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 4 март,  
28-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги  
28-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва  
уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида  
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-бандда:

иккинчи хатбошидан «ва муҳр билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидан «ва муҳр билан тасдиқланади (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 1 ва 2-иловалардан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**214 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битим-  
ларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомнинг 1-банди-  
га ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиш-ни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.



маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сон буйруғи (рўйхат рақами 1919, 2009 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 126-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низом 1-бандининг ўн биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**215 Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал ишти-  
рокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти  
тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғри-  
сида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 18 мартдаги 2009-20-сон буйруғи (рўйхат рақами 1942, 2009 йил 17 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 16-сон, 207-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-банди тўртинчи хатбоши-сидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-09-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**216** **Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишув-ларни амалга ошириш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Респуб-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

ликаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 15 июлдаги 2004-16-сон буйруғи (рўйхат рақами 1396, 2004 йил 6 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил 31-сон, 361-модда) билан тасдиқланган Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомнинг 2-банди еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-07-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**217 Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция консултант фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1495-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллашти-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2005 йил 15 июндаги 2005-06-сон буйруғи (рўйхат рақами 1495, 2005 йил 15 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 213-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция консультанти фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-банди учинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-06-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**218 Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2007 йил 30 октябрдаги 2007-10-сон буйруғи (рўйхат рақами 1745, 2007 йил 5 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 48-49-сон, 494-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-08-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**219 Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига кўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2012 йил 11 майдаги 2012-05-сон буйруғи (рўйхат рақами 2370, 2012 йил 15 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 276-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига кўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-17-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**220 Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисида-  
ги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғри-  
сида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 30 январдаги 2009-05-сон буйруғи (рўйхат рақами 1911, 2009 йил 25 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 100-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомнинг 1-банди ўн биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-16-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**221 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирок-  
чисининг ички назорати тўғрисидаги низомнинг 1-бан-  
дига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-7*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиш-ни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Респуб-ликаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2008 йил 29 ноябрдаги 2008-41-сон буйруғи (рўйхат рақами 1899, 2009 йил 6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 6-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Қим-матли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғри-сидаги низомнинг 1-банди бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республи-каси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-ради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-13-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 март-да эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**222 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 11 февралдаги 2009-12-сон буйруғи (рўйхат рақами 1915, 2009 йил 7 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 122-модда) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомнинг 1-банди олтинчи хатбошисига «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-15-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**223** Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-15*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 23 февраль,  
4/12-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил  
23 февралдаги 4/12-сон қарорига  
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини  
лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 49-бандда:

1-кичик банддан «ва уларнинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

11-кичик банддан «(нотариал тартибда ёки бошқа усулда тасдиқланган)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 114-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:  
«имзо намуналари қўйилган карточка.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**224** **Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил  
12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ–4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 мартда эълон қилинган.

матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2003 йил 30 декабрдаги 2003-19-сон буйруғи (рўйхат рақами 1322, 2004 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 9-сон, 111-модда) билан тасдиқланган Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди олтинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш  
агентлиги директори**

**А. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,  
2019 йил 5 март,  
2019-12-сон

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2019 йил 9 мартдан 15 мартгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/13-сон «Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботлар ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2994-1.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/1-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2989-1.***

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/10-сон «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2093-10.***

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/45-сон «Баҳолаш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

***2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1860-3.***

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 27 февралдаги 01/10-10/51-сон «Ўзбекистон Республикаси Мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) «Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш»га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2025-4.**

6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 28 февралдаги 190-мх-сон «Почта, курьерлик жўнатмалари почта хавфсизлиги юзасидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2428-4.**

7. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2019 йил 28 февралдаги 191-мх-сон «Почта алоқасида франкирлаш машинасидан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2008-2.**

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 29-сон «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1297-4.**

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 49-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларининг 4-иловасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-4.**

10. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-4.**

11. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 28-сон «Товар-моддий бойликларни олишга ишончномалар бериш ва уларни ишончномалар бўйича бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1245-4.**

12. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-11-сон «Қимматли қоғозлар

билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919-7.**

13. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-09-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари бирлашмалари (уюшмалари) фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1942-2.**

14. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-07-сон «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1396-5.**

15. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-06-сон «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция консултантлари фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1495-7.**

16. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-08-сон «Қимматли қоғозлар бозори мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1745-5.**

17. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-17-сон «Қимматли қоғозлар бозорининг мутахассисларига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2370-2.**

18. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-16-сон «Қимматли қоғозлар эгаларининг реестри тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1911-5.**

19. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-13-сон «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг ички назорати тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1899-7.*

20. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-15-сон «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915-4.*

21. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 23 февралдаги 4/12-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

*2019 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-15.*

22. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 5 мартдаги 2019-12-сон «Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

*2019 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1322-2.*